

МУЛҚДОРЛАРДА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНИШИДА МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Рахманкулов Фарход Рахимкулович

Термиз давлат педагогика институти

Фалсафа ва маънавият асослари

кафедраси ўқитувчиси

Телефон рақами: +998996740086

E-mail: fedizara07@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10351133>

Аннотация: Ушбу мақолада мулкдорлар қатламида қолаверса ёшларда ватанга дахлдорлик ватанпарварлик туйғуларини шаклланиши, жамиятда маънавий етукликнинг ривожланиши ва бу ривожланишда мулкдорларнинг қатламининг роли тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар умумлаштиришга ҳаракат қилинди.

Калит сўзлар: мулкдорлар қатлами, тараққиёт, дахлдорлик туйғуси, ватанпарварлик, маънавий етуклик.

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳалқимиз онгида ғоявий бўшлиқ пайдо бўлди. Ушбу ғоявий бўшлиқни ватанпарварлик ғоялари билан суғорилган қадрият, урф-одат ва мафкуралар зарур эди. Ушбу эзгу мақсадларни амалга ошириш учун давлатимиз бошчилигида қонун ижодкорлари, ҳалқ вакиллари, соҳа мутахассислари, кенг жамоатчилик ва етук олимлар бел боғлашди¹. Улар ҳалқимиз онгини ватанпарварлик ғояларини, эзгу мақсадларни сингдириш мақсадида катта кўламдаги ишларни амалга оширишди. Тадқиқотчи – олимлар бу борада ўз илмий ишларида турли тадқиқот ишларини амалга оширган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси ва ҳалқимизга йўллаган Мурожаатномаси мамлакатимизда эркин, фаровон, демократик давлат барпо этилиб, “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” деган муҳим тамойил ҳаётимизда чуқур илдиз отаётгани ҳамда мамлакатимизда бу соҳада изчил давлат сиёсати амалга оширилаётганлигини кенг намоён этди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз Президенти лавозимига киришган илк кундан эркин, фаровон, демократик давлат барпо этиш ғоясини илгари суриб, бу борадаги муҳим вазифаларни белгилаб берди. Шунга мувофиқ мамлакатимизни изчил ривожлантириш, модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга оширишнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Мазкур Давлат дастурининг “Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш” йўналиши ижроси доирасида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳамда уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан кенг кўламдаги ишлар олиб борилди. Бу Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун давлат сиёсати даражасида кенг қамровли, тизимли ишлар амалга оширилаётганига яққол далилдир.

¹ Rakhmankulov, F. R. (2023, October). THE NEED TO FORM A SENSE OF SOCIAL RESPONSIBILITY AMONG THE OWNERS. In Международная конференция академических наук (Vol. 2, No. 10, pp. 17-19).

Мурожаатномада “нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бугунги кунда аҳолини ўйлантираётган муаммоларга давлат идоралари эътиборини қаратиб, ўзларининг асосланган таклифларини бериб боришлари мақсадга мувофиқ бўлади”², дея бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Худудлар даражасида ижтимоий шерикликни йўлга қўйиш, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг фаолиятини такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ҳаётга оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш мажбурийлигини аниқ белгилаш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Малакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдириб ўтдилар³.

Очиқлик, ошкоралик ҳаётимиз мезонига айланаётган мамлакатимизда халқ билан самарали мулоқотни таъминлаш долзарб вазифалардан бирига айланди. Маълумки, беш йил муқаддам илк бор мамлакат аҳолиси ва ҳукуматнинг тўғридан-тўғри мулоқоти йўлга қўйилгани, эндиликда бу борада олиб борилаётган ишларни, халқ билан мулоқот ҳолати ва ривожланишини ўрганиш, давлат органлари фаолияти очиқлигини тизимли таҳлил қилиш жорий этилгани ҳам тўғри йўлни танлаб олганимизни кўрсатмоқда. Бу борадаги ютуқларимиз халқаро ҳамжамят тарафидан ҳам эътироф этилаётгани қувонарлидир. Мазкур йўналишларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида илмий ва эксперт доиралар иштирокида амалий тадқиқотлар ўтказиб, уларнинг натижаларини умумлаштириш асосида келажақда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг миллий моделини янада такомиллаштириш, стратегик йўналишларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш тизимини яратаяётганимиз ўз самараларини бермоқда.

Хўш, ижтимоий ҳаётимизни ўзгартиришга хизмат қиладиган ушбу ҳужжат билан фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришга қандай муҳим вазифалар қўйилмоқда? Бу жараёнда биринчидан, соҳанинг норматив-ҳуқуқий тартибга солиниши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга оширишни ўрганиб, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиб, фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади. Иккинчидан, жамиятда сиёсий партиялар ролини ошириб, рақобатдош кўп партияли тизимнинг ривожланиш даражасини таҳлил қилиб бориш ва сиёсий партиялар томонидан ўтказиладиган тадбирларнинг электорат манфаатига хизмат қилишини таъминловчи лойиҳалар жорий этилади. Учинчидан, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг муаммоларини тизимли

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномаси. -Т.: 29 декабрь. 2020.

³ Раҳманкулов, Ф. (2023). MULKDORLAR QATLAMIDA IJTIMOIIY MAS'ULIYAT TUYG 'USINI SHAKLLANTIRISH MASALALARI. *Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences.*, 3(11).

ўрганган ҳолда фуқаролик жамиятини ташвишга солаётган долзарб масалалар бўйича илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва жамоатчилик эшитувлари ўтказиш таъминланади. Шунингдек, ривожланган демократик давлатлар тажрибаси асосида давлат ва жамият ўртасида очиқ мулоқотни ташкил этиб, фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг оптимал ёндашувларини ишлаб чиқиш ҳам асосий вазифаларимиздан бири бўлади.

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг биринчи ўн йиллигида мулкчилик муносабатлари, мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, мамлакат аҳолисига хусусийлаштириб бериш, мулкдорлар қатламини пайдо бўлиши, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароитлар яратиш каби масалалар амалага оширилган бўлса, кейинги даврларда эса тадбиркорларнинг сониини ошириш, уларни жаҳон бозоридаги фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар билан рақобат қилишлари учун шароит яратиш, турли хил жамоат фондларини ташкил қилиш, мулкдорлар қатламида миллий ўзликни англаш туйғуларини шакллантириш каби масалаларга бағишланган⁴.

Ислохотларнинг илмий ва таҳлилий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилиши ва натижада мамлакатимизнинг келажакда ҳар томонлама ривожланишида муҳим пойдевор вазифасини ўтайди. Янгиланаётган Ўзбекистон тарихий ўзгаришлар билан жаҳонга юз тутган бугунги кунда қамровли вазифаларни амалга ошириш шижоатли ёшлар, қолаверса мулкдорлар қатлами аъзолари, ҳаётий тажрибага эга нуроний оқсоқоллар ва умуман мамлакатимиз тараққиётига маънан масъул бўлган фуқароларнинг маънан етуклигига боғлиқ бўлади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномаси.-Т.: 29 декабрь. 2020.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.- 03.05.2019 йил. № (4307)
3. Rakhmankulov, F. R. (2023, October). THE NEED TO FORM A SENSE OF SOCIAL RESPONSIBILITY AMONG THE OWNERS. In Международная конференция академических наук (Vol. 2, No. 10, pp. 17-19).
4. Рахманкулов, Ф. (2023). MULKDORLAR QATLAMIDA IJTIMOY MAS’ULIYAT TUYG ‘USINI SHAKLLANTIRISH MASALALARI. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences., 3(11).
5. Rakhmankulov, F. R. (2023, October). THE NEED TO FORM A SENSE OF SOCIAL RESPONSIBILITY AMONG THE OWNERS. In Международная конференция академических наук (Vol. 2, No. 10, pp. 17-19).

⁴ Рахманкулов, Ф. . (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА МУЛҚДОРЛАР ҚАТЛАМИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ. Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования, 2(13), 58–61